

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
бўйук  
давлат



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 8 июнь, № 109 (3908)

Пайманба

## «АНДИЖОН»


### МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖГА

ҳамжиҳатлик корхонага даромад келтирмоқда



Мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Андижон туманида ҳам тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати тобора ривожланиб бормоқда. Айнан мана шу имкониятдан унумли фой-

даланиб, хусусий сектор вакиллари билан ҳамжиҳатликда фаолият олиб бораётган сановат корхоналари эришаётган натижалар ҳам юқори бўлаётган. Мисол учун, «Андижон» мева-сабзавот қайта иш-



томони шундаки, корхонада тайёрланган маҳсулотлар тўлалигича Украина ҳамда Россия давлатларига экспорт қилинади. Моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша, албатта. **СУРАТЛАРДА:** ишчи Хуршида Сотиболдиева; корхонада ишлатилаётган замонавий асбоб-ускуналар.

Тоҳиржон ҲАМОҚУЛОВ олган суратлар.

## Хушxabар

Кейинги йилларда мамлакатимизда нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, уларни ташиш ҳамда қайта ишлаш соҳасига илғор технологиялар жорий этилмоқда. Шу билан бирга, тармоққа хориж инвестициясини жалб қилиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

## Станция ишга тушди

Хусусан, жорий йилнинг 24-25 январь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Россия Давлатлараро кенгаши йиғилишида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» очик акционерлик жамияти ўртасида Устюртдаги нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш юзасидан битим имзоланган эди.

Яқинда Уст-юрт заминидagi «Корақалпоғистон» посёлкасидаги йirik Шахпахта конида қўшимча босим беришга мўлжалланган газ компрессорли станция ишга туширилди. У суткасига 1,3 миллион кубометр табиий газни магистраль газ қуевурига ҳайдаб беради.

Янгибой ҚўҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING МУЛОҚОТЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Компартияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси Доимий қўмитаси аъзоси Ли Чанчунь 7 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов ҳамроҳлигида «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятида бўлди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги замонавий самолётлар хитойлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Делегация аъзолари, айниқса, оғир юк ташишга мўлжалланган Ил-76 самолётларини катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Шу кuni делегация аъзолари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ташир буюрди. Мазкур олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, таълим соҳасида ҳам изчиллик билан ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

(Ў.А.)

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирок этди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2006 йил биринчи ярим йилидаги режасининг ижроси муҳокама қилинди. Режа доирасида ишлаб чиқарилаётган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди, айрим масалалар бўйича маърузалар тингланди. Тиббиёт муассасаларида теледидео сеансларини ўтказиш бўйича пилот лойиҳасининг ижроси шулар жумласидан.

Кенгаш аъзолари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги фундаментал ва амалий илимий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш истиқболларини ҳар томонлама муҳокама қилди, давлат статистика ҳисоботларини энг янги компьютер технологиялари асосида топширишда электрон шакллардан фойдаланиш бўйича пилот лойиҳаси дастури кўриб чиқилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2005-2006 йиллардаги баённомаларидаги топшириқлари ижроси ҳам таҳлил қилинди. Масъул раҳбарларга айрим бандлари кўрсатилди, уларни теозорлик билан бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди. Йиғилишда давлат органлари веб-сайтлари фаолияти мониторинги натижалари кўриб чиқилди. Вазирликлар ва идораларга уларнинг узлуксиз фаолият кўрсатиши ҳамда расмий веб-сайтларнинг мунтазам равишда янгилаштирилиши таъминлаш топширилди.

(Ў.А.)

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASIDA

6 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия Раиси Мирзаулуғбек Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Олий Мажлис Сенати айрим аъзоларининг ваколатлари тўғрисидаги, янги тахирдаги Марказий сайлов комиссияси Регламентининг лойиҳаси тўғрисидаги, шунингдек Комиссиянинг жорий йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси лойиҳаси ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Андижон вилоятидаги депутатларнинг депутатлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига аъзолик ваколати Комиссиянинг қарори асосида мuddатидан илгари тугатилди.

Мажлисида сайлов тизимини янада демократлаштириш борасида айланишларни юксалтириш, хорижий давлатларнинг сайлов ўтказиш бўйича тўланган тажрибасини ўрганиш ишларини яхшилаш зарурати алоҳида таъкидланиб, Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг бу ишларни амалга ошириш юзасида вазифалари белги-ланиб, аниқ чора-тадбирлар мўлжалланди.

Комиссия мажлисида муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ў.А.)

## Пиллакорлар, ҳормангиз!



2006 йил мавсумида мамлакатимиз бўйича 391,5 минг қути ипак қурти парвартирилди. Бугунги кунга унинг 381 минг қутидан 20 минг тонналик пилла териб олинди. Ҳар қути ипак қуртидан олинган ҳосил 52,5 килограммини ташкил қилди.

### Бугуннинг гапи

Пилла етиштириш юзасида шартнома мажбуриятларини ошириб бажарган Сурхондарё, Бухоро, Фарғона, Навоий, Тошкент, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Андижон ва Наманган вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси пиллакорлари, шунингдек, марра сари тобора яқинлашиб бораётган Самарқанд ва Хоразм вилоятлари пиллакорлари ҳам хирмонга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, пилла етиштириш ташкил қилиш ишлари 2005

йилнинг октябр ойидан бошланиб, контрактация шартномалари тузиш ишлари ноябрь ойида тўлиқ якунланган эди. 2005 йилда 5,6 минг гектар ерда ва 2006 йилнинг баҳорида 1,5 минг гектар майдонда янги туздорлар барпо этилди. Улар фермерларга, яъни ўз эгаларига бириктирилди. Бу тадбирларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимлик ва адилия идоралари ҳамда «Ўзбек ипаги» уюшмасининг жойлардаги корхона ва ташкилотлари ушқоқлик билан меҳнат қилдилар. Айниқса,

ширкат ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, пиллакорларнинг фидойилиги ҳамда меҳнатсеварлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Пиллакорларга олдиндан бундак пуллари берилганиги пилла ҳосилдорлигини оширишда катта аҳамият касб этди. Жумладан, республика бўйича пилла етиштирувчи ҳўжаликларга бундак ҳисобидан 13,7 млрд. сўм, шу жумладан, пиллакорларга бевосита меҳнат ҳақи учун 6,3 млрд. сўм пул маблағлари берилди.

2006 йил мавсуми даво-

мида келгуси йилларда ҳам мўл ва сифатли пилла етиштириш учун замин яратилмоқда. Хориждан ипак қуртининг суперэлит уруғлари келтирилиб, юртимиздаги уруғчилик корхоналарида улардан янги зотлари тайёрланмоқда, маҳаллий ипак қуртининг махсуддор зот ва дургайларини ишлаб чиқариш ҳамки эса кўпайтирилмоқда.

Жорий йилда тайёрланган пилла ҳосили республикаимиздаги пиллакорлик корхоналарини хошашё билан тўлиқ таъминлаш имкониятини беради. Навбатдаги асосий вазифа етиштирилган пилла ҳосилни қайта ишлаб, ундан сифатли табиий ипак ва шойи газлавлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Бу аса, соҳа корхоналарининг экспорт салоҳиятини янада оширади.

Шавкат ОРТИҚОВ.

## ОМОНХОНА ҚАЧОН ОБОД БЎЛАДИ?

Бойсун туманида Омонхона деган булоқ борлигини мамлакатимизнинг ҳамма гушаларида яхши билишлари десак, лоф бўлмас. Сихаттоҳлар кўп. Булоқнинг ёсиб. Лекин Омонхона булогининг ҳосияти бошқача.

— Омонхонанинг суви вирусли гепатитнинг ҳамма турлари шифобахш, — дейди сихаттоҳнинг бош шифокори Нурсат Худойкулов. — Булоқ харсанг тошлар орасидан сизиб чиқади. Бир ичишда томоққа яхдек бўлиб текани билан жигардан тортиб ўт пуфағу, ўн икки бармоқли ичак, буйрақдаги хасталикларга маҳкамдир. Булоқ сувига чўмилиш уни истеъмол қилишдан ҳам юз чандон фойдаланиш ҳужайра перозини доволайди. Асабининг занг босган мурватларини тозалайди. Бу суви биз мағний сульфатга, бошқа микроэлементларга бой деб минг таърифласак оз.

Булоқ бошида бундан 12 йил аввал 30 уринли сихаттоҳ қурилди. Бундан олдин Хуррам Жўрақулов (марҳум) деган одамнинг ҳуммати билан тоғ ён бағирликларидagi 15 чакиримча ўқир-чўқир йул созланиб асфальтланди. Бу ерда ҳозир чоққина бозор, ошхона, хусусий меҳмонхоналар ишлаб турибди. Хуллас, Омонхона... Йўқ. Шошмайлик. Шунча довругу дастак билан Омонхона обод бўлиб қолгандир деган тахминларимиз-

нинг тўғрилигига ишонмоқ учун бориб кўриш лозим бўлади.

Булоқнинг йўли бугун серқатнов. Унга интилганларнинг сон-саногини йўқ, Одамлар қўлида суви идиш. Суви жилдирабгина келаятган жўмрак атрофида навбатга риоя қилиб-қилмай бир-бирини туртиб-туртиқилганларнинг ҳаракати кўпкери томошасини эслатади.

— Сув оламиз, деб беш соатча навбат кўтидик, — дейди узоқлардан йўл тортиб келган Ойсолт Пардаева. — Булоқ суви билан савдо-сотиқ қилишга оdatланганларнинг гапи гап. Улар сувини шу ернинг ўзида сотишяпти. Яна бошқа манзилларга ташиб сотишяпти.

Чўмилиш ванналари бошидаги тартибларнинг ҳам мақтағулиги йўқ.

Хўш, Омонхонанинг ихлосмандлари шунчалек сероб экан, олдингина кароватлар қўйилган, шаронглири ҳам ҳаминқадар сихаттоҳ кенгайтирилса, бошқа хизмат кўрсатиш турлари ҳам тўдан яхшилаб қўйилса бўлмасмикин, деган савол турғилади.

— Бундан бир-мунча вақт муқаддам сихаттоҳ мажмуини кенгайтириш лойиҳаси қўйилди, — дейди Н. Худойкулов. — Бирок булоқ суви камлиги хисобга олинибми, режаларни амалга ошириш тўхтатиб қўйилди. Бу вақда ҳам асос бор. Об-ҳаво қурғоқчил келган йиллари булоқнинг суви озайиб қолаверади. Бу йил ҳам шундай ҳолат кузатиляпти.

Бош шифокорнинг гапларини асосиз деб бўлмас. Айни пайтда Омонхонанинг булоғи кўриб қолган пайтини ҳеч ким эслолмайди. 2002 йилги қурғоқчиликда, масалан, Бойсуннинг аксар булоқлари кўриб қолди. Омонхонанинг суви тўхтамади. — Ҳозир ҳам булоқнинг суви шу ерда ётиб доволанаётганларга ҳам, газсув қадоклаётганларга ҳам, мошин-мошин қилиб бошқа жойларга элтиб сотаётган-

### Луқма

ларга, хуллас, ҳаммага етати-ку, — дейди республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, драматург Холик Хурсандов. — Омонхонанинг булоғи — муқаддас, зиёратгоҳ жой. Катта саҳобалардан бўлиб Хожа Султон Валий Хазратларнинг қадимжолари. Бу ерда савдо-сотиқ учун эмас, ихлос билан, покизанят билан оёқ қўймоқ, шунга яраша тартибот бўлмоғи жоиз. Узининг самарасини аҳамияти жиҳатидан, ёс фаслида одамларнинг кўп ёпирилиб келиши жиҳатидан Омонхона мамлакатимиз сихаттоҳлари ичида энг олди ўринларда туради. Шундай экан, бу сихаттоҳга катта эътибор жоиз.

Тасаввур қилинг, Оллоқ берган бу неъмат бошқа ривожланган мамлакат заминиди бўлсаиди, у жойларда юддузли меҳмонхоналар, туризм иншоотлари қурилган бўларди. Бу ерда эса ҳатто оддий телефон алоқаси муаммо бўлиб турса... Даста узун раҳбарлардан айрилмади, керак бўлса, Омонхона суви таркиби билан айнан бўлган манба — Карлов-Вардига сихаттоҳларга бориб-келишяпти-ку. Наҳотки, олдимиздан оқдан ариқнинг қадри бўлмаса?!

Омонхон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Тақдимот

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг интернетдаги веб-саҳифаси очилиши муносабати билан тақдимот маросими бўлди.

Мазкур институт директори Ф. Отахонов кириш сўзи билан очган ушбу анжуманда қонун ижодкорлиги сифатини ошириш, қонунчилик фаолиятининг таъсирчанлигини кучайтириш, шу асосда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўлланма ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом асосида очилди.

## Интернетда янги веб-саҳифа

аҳамият касб этгани қайд этилди. Айтиш жоизки, ушбу веб-саҳифа Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисидаги Қарорига мувофиқ тасдиқланган Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом асосида очилди.

(IMAL.uz) институт фаолияти ҳақида умумий маълумот берувчи «Асосий бўлим», бу ерда ўтказилаётган турли анжуманларни ёритувчи «Тадбирлар», илмий-амалий семинар материаллари, тўпламлар ва институт ходимларининг мақолалари муҳасамалашган «Нашрлар», «Ҳамкорлик» ва «Манзил» бўлимларидан иборатдир.

Салим ДОНИЕРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Аёллар спартакиадаси

## Оналар соғлом бўлса...

Жорий йилнинг 11-12 июнь кунлари Қарши шаҳридаги «Насаф» стадионида II республика Аёллар спартакиадаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва қасаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан ўтказилаётган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 27 нафардан аёллар спортнинг саккиз тури бўйича ўзаро беллашдилар.

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, республика Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари Президент-

Фарзандлари қалбида бирор бир спорт турига меҳр уйғотиб ушбу аёлларимизнинг ўзи спорт билан шуғулланиши керак. Ўтган йилги I республика Аёллар спартакиадасининг финал босқичида ўн бир нафаргина уй бекаси катнашган эди. Бу сафар уларнинг сони анча кўпайди. Маҳалларда олиб борган тартибот ишларимиз ўз самарасини берди. Буни иштирокчиларнинг етмиш саккиз фоизини уй бекалари ташкил этаётганлиги кўрсатиб турибди.

— Жисмоний ва маънавий баркамолликка спортга меҳр қўйиш орқали эришилади, — дейди республика Хотин-қизлар қўмитаси спорт бўлими бошлиғи Муҳтасар Абдураҳмонова. —

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2006 йил 9 июнь кuni соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари адиққатиғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 8 июнь кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесидида рўйхатга олинади.





